



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -2020. -№ 2(2).
ISSN: 2181-1342 (Online)
<https://scienceproblems.uz>

Филология фанлари

ЛИНГВОПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ ТАДҚИҚИДА “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК”НИНГ ЎРНИ

Бердиев Хусан Холназарович

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), СамИСИ «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси муdiri

РОЛЬ «ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» («СЛОВАРЬ ТЮРКСКИХ НАРЕЧИЙ») В ИЗУЧЕНИИ ЛИНГВОПОЭТИКИ

Бердиев Хусан Холназарович

доктор философии по филологическим наукам (PhD), СамИИС, заведующий кафедрой «Узбекского языка и литературы»

THE ROLE OF "DEVONU LUGHOTIT TURK" IN THE STUDY OF LINGUOPOETICS

Berdiev Husan Kholnazarovich

Doctor of Philosophy in Philology (PhD), Head of the department «Uzbek language and literature»

Иқтибос келтириш учун / For citation / Для цитирования:

Бердиев Х.Х. Лингвопоэтика масалалари тадқиқида “Девону луғотит турк”нинг ўрни // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2020. – № 2(2). – Б. 51–57.
<https://doi.org/10.47390/A1342222020N6>

Аннотация. Ушбу илмий мақолада филологик таҳлил тарихининг ўзига хос жиҳатлари лингвистик поэтика масалалари аспектида ёритиб берилган. “Девону луғотит турк” асарининг лингвопоэтика тарихини ўрганишидаги муҳим ўрни далиллар асосида кўрсатиб берилишига ҳаракат қилинган. Асар материалларининг тилишунослик ва адабиётшунослик учун аҳамиятли томонлари қайд этилган.

Калит сўзлар: лингвистик поэтика, поэтика илми тарихи, “Девону луғотит турк”, адабий парчалар, тилишунослик, адабиётшунослик, филологик таҳлил.

Аннотация. В данной научной статье раскрываются особенности истории филологического анализа с точки зрения вопросов лингвистической поэтики. Показываются аргументы о важной роли произведения «Девону луг'отит турк» в изучении истории лингвопоэтики. Отмечены важные аспекты материалов работы для языкознания и литературы.

Ключевые слова: лингвистическая поэтика, история поэтики, «Девону луготит турк», литературные фрагменты, языкознание, литературоведение, филологический анализ.

Abstract. In this scientific article the peculiarities of the history of philological analysis are described in terms of issues of linguistic poetics. An important role in the study of the history of linguopoetics in the work "Devonu lughotit turk" was tried to show on the basis of evidence. Important aspects of the materials of the work for linguistics and literature are noted.

Keywords: linguistic poetics, history of poetics, "Devonu lug'otit turk", literary passages, linguistics, literary criticism, philological analysis.

DOI: 10.47390/A1342222020N6

Маълумки, «Девону луготит турк»да М.Кошғарий тил ва адабиёт учун бирдек тааллуқли бўлган кенг материалларни келтиради, ўрни билан уларнинг лингвистик, баъзан эса жанрий-поэтик (шеърда “шундай келган”, “шоир айтганидек” кабилар; *топишмоқ*, *қўшиқ* сингари терминлар изоҳлари) хусусиятларини изоҳлаб ўтади. Биргина мисол шундаки, туркий тилларнинг фонетикаси, фонетика билан боғлиқ равишда имло масалалари бўйича келтирилган маълумотлар ҳам ўзбек филологияси учун бир неча жиҳатдан аҳамиятлидир. Ушбу ишда М.Кошғарийнинг шу масалага доир эътирофлари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида айрим мулоҳазалар билдирилади:

- М.Кошғарийнинг товуш ва ҳарфни, имло ва талаффузни фарқлаши, туркий тилларнинг товуш тизимини тўла акс эттиролмайдиган араб ёзувига қўшимча белгилар қўйиб, уларни маълум бир даражада туркий тиллар фонетик хусусиятларини акс эттиришга мослаштириши, товуш алмашинувлари, туркий шевалар ва тиллараро фонетик фарқларни комбинатор ва нокомбинаторларга ажратиб шарҳлаши туркий тилшуносликда X-XI асрлардаёқ мукаммал фонетик таълимот яратганлигидан, тилшунослигимизнинг фонетика соҳасидаги назарий-методологик тамойиллари бундан қарийб 1000 йил олдин такомиллашганидан далолат беради. Бироқ, кейинги даврларда, хусусан, XIV -XIX асрларда М.Кошғарийнинг фонетик таълумоти тилшунослигимизда ривожлантирилмади, аксинча, унутилди ва XX асрда ўзбек фани X-XI асрлардаёқ ўз бағрида ишлаб чиқилган ва ҳатто, амалий татбиқда девонда кенг микёсда қўлланилган фонетик тушунчаларни қайтадан Европа тилшунослигидан олишга мажбур бўлди.

Бехбудий, Фитрат, умуман, жадидлар зўр бериб, девон материалларини оммалаштиришга қилган ҳаракатлари бежиз эмас эди. Улар тарихий ҳақиқатни

тиклашга, биз бугун Европа фанидан олаётган тушунчалар ва таҳлил усуллари биз учун тамоман янги эмас, балки Европа фани XVII-XVIII асрларда ўзимиздан олиб, замон билан мослаштирган ҳолда ривожлантирган тушунчалар эканлигини халққа етказиш, шу билан унда миллий ғурур ва ифтихор руҳини ривожлантириш, маънавий кадриятларга эҳтиёткорона ёндошиш туйғуларини шакллантириш ва такомиллаштиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. «Девон» фонетик материалларини билиш, тарихимизда шундай етук таълимотлар мавжудлигини кенг омма онгига етказиш бугунги миллий ўзликни англаш ва уни жаҳонга тараннум этиш даврида катта илмий-маънавий аҳамиятга эга;

- М.Кошғарийнинг берган фонетик маълумотлари ўзбек адабий тили, шеваларида юз берган минглаб ҳодисаларни шарҳлаш, тўғри тушуниш ва талқин этишда чексиз аҳамият касб этади. «Девон» материалларининг бу йўналишдаги ўзига хос томонларини, жумладан, қуйидагиларда кўриш мумкин:

Туркий сўз ва ўзакларни ўзаро тенглаштириш бир замонлардаги фонетик вариантлардан мустақил лисоний бирликларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини тўғри тушуниш ва шарҳлаш учун, чунончи, девонда М. Кошғарий шартли сўз (пароль) маъносида *им* сўзини қайд этади. Бу сўз ўзбек адабий тилида кам қўлланиладиган, *им билан гапирмоқ, им қилмоқ, им қоқмоқ* каби қўшма сўз ва бирикмаларда учрайди. М.Кошғарийнинг девонда берган фактик материаллари асосида *им* сўзи *ем* ва *жим* фонетик вариантларига эга бўлиши ҳамда *ем* шакли турклар, *им* шакли ўзузлар, *жим* қипчоқ шевалари учун хос бўлган.

Тилимизда *жим, жим-жит, жимлик* каби кенг қўлланиладиган сўзни *им (имо)* сўзлари билан боғлашга «Девон» материаллари катта материал беради.

М.Кошғарий сўз охирида «ғ»нинг «қ» ёки «в» га ўтиши ҳақида аниқ маълумотлар беради. *Қишлағ, яйлағ* каби сўзларда ҳам жой номи, ҳам ҳаракат номи маънолари мавжудлигини қайд этади. Ҳозирги тилимизда М.Кошғарий XI асрда шарҳлаган *қишлағ, қишлақ, қишлов* каби фонетик вариантлар мустақил сўзлар ва ҳатто, -оқ, -ов алоҳида-алоҳида қўшимчалар сифатида ривожланган (*қишлоқ* жой номи *қишлов* ҳаракат номи). Лекин қатор сўзларда –оқ, -ов қўшимчалари ҳам жой номи, ҳам ҳаракат номи хусусиятларига эга: *ўтоқ, яйлоқ* 1. жой, 2. йаз-қишлоқ (ёзда яшаш жойи), *қишлоқ* – қишни ўтказиш жойи каби.

М.Кошғарий баҳор-ёз маъносида йай, йаз фонетик вариантларини беради. Ҳозирги тилимизда яй, ёй қўлланиладиган яйлов, яйрамоқ сўзларида шу сақланган. М.Кошғарий оёқ-озақ-адақ сўзларини беради. Ўзбек адабий тилида меъёрий сўз – аёқ. Лекин адоқ//одоқ сўзи ҳам *чўлнинг адоғи// ишининг адоғида* каби қўлланилади.

- Бухоро-Самарқанд гуруҳ шеваларидадан ташқари бошқа шеваларда ҳ-х фарқланмайди. М.Кошғарий ҳар иккаласи ҳам нотуркий эканлиги, ҳ-х товушлари туркий тилларга нотуркий тиллар таъсирида кириб келганлигини алоҳида таъкидлайди. Қатор туркий тилларда, жумладан, ҳозирги турк адабий тилида ҳ-х фарқланмайди. Адабий тилимизда ҳ-х ҳарфларининг изчил фарқланиши бугунги кунда, хусусан, ўзбек лотин имлосида ҳ ва х шаклан кескин фарқланувчи ҳарфлар билан берилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

"Девон"ни тузишдан илгари лингвистик, тарихий ва этнографик материални йиғиш бўйича кўп йиллик иш амалга оширилгани табиийдир [5, 31].

Проф.Х. Нейматовнинг илмий кузатишларида эътироф этилганидек, XI асрда яшаган биринчи туркшунос, тилшунос ва лексикограф, этнограф ва фолклорист, тарихчи ва географ Маҳмуд Кошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асари билан туркологияга асос солди. Бу асар туркий тилларнинг биринчи қиёсий грамматикаси бўлиши билан бирга турк қабилалари тарихи, этнографияси ва халқ оғзаки ижодидан қимматли материалларни ўз ичига олган йирик энциклопедия ҳамдир. Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тиллар грамматикасига доир тадқиқотлари ва мулоҳазалари ҳозир ҳам диққатга сазовордир. Ана шундай нодир тадқиқотлардан бири туркий тилларнинг таснифидир.

М.Кошғарий турк тилларини: 1) қабилавий тилларнинг софлигига кўра ҳамда 2) қабилавий тиллардаги фонетик ва морфологик фарқларга кўра икки группага ажратади [8, 52].

С.Муталлибовнинг "Девону луғотит турк" ва унинг таржимаси" мақоласида "Девон"да сўзларнинг луғавий маъноси изоҳланган ва сўзларнинг ясалишига доир маълумотлар берилган борган. Шунинг учун бу асарда сўзлар изоҳи замирида ўша давр тили фонетикаси, морфологияси ва лексикасига доир мукамал қоидалар ҳам юзага келган"лиги таъкидланади [6, 42].

Кўринадикки, "Девону луғотит турк" нафақат лингвистик манба, шунингдек, фаннинг кўпгина соҳалари учун ниҳоятда ноёб асар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, у адабиётшунослик учун ҳам бой ва қимматли материаллар манбаидир.

"Девону луғотит турк"даги адабий парчаларнинг умумтуркий адабиёт, шунингдек, ўзбек назми ва насрининг кейинги тараққиёт ва такомил босқичига бўлган улкан таъсири шубҳасиздир. Шу маънода акад. Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, "Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк"и ўз асрининггина эмас, балки кейинги даврларнинг ҳам нодир асарларидандир. Бу асарда муаллиф, бир томондан, XI асргача ва шу асрда мавжуд бўлган туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини жамлаб, гўзал бир хазинани яратган бўлса,

иккинчидан, ўша даврдаги ёзма адабиёт намуналарини ҳам ўз асарига киритиб, уларнинг бизгача етиб келишига сабабчи бўлди. Тўғри, бу мисол ва намуналар сўзларнинг изоҳи учун келтирилган. Агар улар тўпланса, XI аср туркий халқлар шеърятининг гўзал бир баёзи майдонга келади” [4, 47]. Мазкур шеърый парчаларнинг жанрий хусусиятлари ва адабий таснифи борасидаги илмий тажриба илк бор проф. А.Фитрат томонидан амалга оширилган. Аммо унинг кузатишлари замонавий филология нуктаи назаридан давом эттирилиши лозим [3, 118]. Бунинг учун эса, энг аввало, асарда келтирилган шеърларнинг алоҳида нашрини амалга оширмак зарур. Негаки, ҳозирги илмда бу шеърларнинг миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ўзи ҳам бир хил эмас. Шу билан бир қаторда, улардан фақат иккитаси – “Алп Эр Тўнга марсияси” ва “Қиш билан Ёз мунозараси” гина ўқувчиларга яқиндан таниш бўлиб, бошқа кўплаб намуналар назардан четда қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, проф. А.Ҳайитметов эътироф этганидек, «Бу тўртликлар билан чуқурроқ танишиш, муаллифнинг қатор таъкидлари унда келтирилган шеърый мисолларнинг ҳаммаси ҳам халқ оғзаки ижоди намунаси эмаслигини кўрсатади. Уларнинг кўплари айрим авторларнинг, профессионал шоирларнинг асарларидир. Бу эса, бизда, туркий халқларда ёзма адабиёт XI асрдан анча олдин пайдо бўлган дейиш учун асос беради» [9, 139-140].

Мазкур шеърлар, ўз навбатида, XI аср ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисидаги воқеаларга оид бадиий матнлар - шеърлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар фалсафий, ижтимоий-сиёсий, интим ва воқебанд лириканинг бетакрор намуналаридир.

Икки асосий бўлим – муқаддима ва луғат қисмидан иборат мазкур асар қомусий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан, айниқса, луғат қисмида сўз ва сўз бирикмалари изоҳи учун фойдаланилган ҳикматли сўз, қўшиқ каби адабий-бадиий парчаларнинг кўпгина намуналарини келтирилган. Тадқиқотларда эътироф этилишича, “Девону луғотит турк”да 242 та адабий парча берилган бўлиб, улар ўша даврда эл орасида машҳур бўлган дostonлар, марсиялар, меҳнат ва муҳаббат, табиат тасвири, юрт манзаралари, қаҳрамонлик, овчилик тўғрисидаги халқ қўшиқларидир. Шунингдек, асарда икки юздан ортиқ мақолдан фойдаланилганлиги ҳам қайд этилган [1, 73].

Машҳур тилшунос, “Девону луғотит турк”нинг таржимони ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов таъкидлаганидек, девондаги адабий парчалар ва муаллифнинг улар ҳақидаги уқтиришлари Маҳмуд Кошғарийнинг адабий асарлар билан ҳам қизиққанини, уларни ҳам диққат билан ўрганганини исботлайди. Маҳмуд Кошғарий девонда йўл-йўлакай бўлса ҳам, баъзан вазн ҳақида, баъзан адабий жанрлар ҳақида, баъзан истиора, ташбиҳ ва бошқа шеърый хусусиятлар ҳақида маълумотлар беради. Бу хил фактлар шеърый асарларга доир

қоидалар бошланғич ҳолда бўлса ҳам, ўша даврлардаёқ юзага келганидан дарак беради [7, 23].

“Девону луғотит турк”даги шеърӣй парчалар аруз ва бармоқ намуналари эканлиги ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд.

Шеърларнинг арузга алоқадорлиги ҳақидаги фикр масаласига тўхталадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, “проф.Х.Неъматовнинг таъкидлашича, ўзбек тилидаги бўғинларни хоҳлаганда чўзиб, хоҳлаганда қисқа талаффуз қилавериш мумкин, бу сўзнинг маъносига таъсир қилмайди. Шу жиҳатига кўра ўзбек тили аруз учун жуда қулай” [2, 52].

Шеърларнинг мавзу кўлами ҳақида А.Ҳайитметов шундай деган эди: “Бу тўртликлардан кўринишича, қадим туркий халқлар поэзиясида дидактика жуда катта ўрин тутган. Бу уруғчилик жамияти хусусияти билан, унда оталарнинг мавқеи баланд бўлганлиги билан боғланса керак. Кейинроқ, уруғчилик емирила бошлаши билан бундай поэзиянинг мавқеи ҳам камая борган. Бу традициядан хабардор ижод аҳллари эса бу масалада орқага кетишдан нолиб, шу хилда хил тўртликларни тўқишган. XI – XII асрлардан бошлаб эса, бу традициялар янада ривожланиб, энди форс-тожик поэзиясидаги дидактик традицияларга ҳам асослана бошлаган. Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоӣй, Махтумқули каби забардаст шоирларнинг ижодидаги дидактика ўз илдизлари билан қадим туркий традицияларга боғланади...” [10, 50].

Асарда келтирилган шеърлар нафақат мавзу ва ғояси, балки бадий хусусиятларига кўра ҳам ранг-барангдир. Ушбу шеърлар кўздан кечирилганда, улар бадий жиҳатдан мукамал намуналар сифатида намоён бўлиши, бинобарин, турли шеърӣй санъатларни ўзида мужассам этганлиги кузатилади.

Хуллас, асар материаллари тадқиқи борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар сирасига қуйидагиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир:

- “Девону луғотит турк”да келтирилган парчаларда қўлланган шеърӣй санъатлар лингвопоэтик нуқтаи назардан тадқиқ этилмоғи лозим. Зеро, адабиётнинг ўзи каби шеърӣй санъатлар ҳам тил хусусиятига кўра характерланади;

- лингвистик бирликларнинг бадий санъат ҳосил қилиш вазифаси фонетик-фонографик, лексик-грамматик ҳамда услубий-поэтик омиллар билан боғлиқликда намоён бўлади. шеърӣй санъатларнинг юзага келиши, шаклий-лисоний таркиби ҳақида илмий маълумотлар олишда “Девону луғотит турк” материаллари ўзига хос аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы/ References:

1. Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан (ўқув кўлланма). – Т., 1994.

2. Афоқова Н. Бир шеърнинг вазни хусусида// Моҳията интилган олим (проф.Х.Ғ. Неъматовга бағишланган махсус тўплам). – Б., 2001.
3. Болтабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”даги манзум параларнинг адабий таснифи // Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданиятининг ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X-XIX асрлар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Кононов А.Н. Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари// ЎТА, 1972. – №1.
6. Муталлибов С. «Девону луғотит турк» ва унинг таржимаси// ЎТА, 1971. – №5.
7. Муталлибов С.М. XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари (сўз боши)// Девону луғотит турк. I том. – Т., 1960.
8. Неъматов Х. XI асрдаги туркий тилларнинг М.Кошғарий томонидан қилинган таснифи// ЎТА, 1972. – №1.
9. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Т., 1974.
10. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: Фан, 1970.